

Туркия давлати Маданий хаётида Усмонли турклар империясининг ўрни

Кундизалиева Сафия Холмирза қизи¹

Аннотация: Мақолада Туркия давлати маданий хаётида Усмонли турклар империясининг ўрни Усмонли империясининг тарихий архивларга кириш имкониятини тақдим этганлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ўқитиш технологияси, янги модел, ахборотли технология, потенциал кучлар, Усмонийлар сулола империя техник таъминот.

Кириш

Ўзбек олимлари Усмонлилар империяси архивини ўрганиш имкони эга бўлдилар Туркия Республикаси Туркий тиллар тарихи ва маданияти «TURKTAV» жамғармаси «ШХТ мамлакатлари ҳамкорлигининг янги босқичи: туризм ва маданий мерос» халқаро форуми доирасида ўзбекистонлик тадқиқотчиларга Усмонли империясининг тарихий архивларга кириш имкониятини тақдим этди. Эндилиқда ўзбек олимлари Усмонлилар салтанати архивига таянган ҳолда Ўзбекистон тарихига оид бир қатор ҳужжатларни тиклашлари мумкин.

Хабар қилинишича, айни вақтга қадар Фонд томонидан 55 минг электрон қўлёзма ҳужжатлар ракамлаштирилган.

Усмонлилар давлати олти асрлик ҳукмронлик даврида ўзи бевосита алоқадор бўлган мамлакатларнинг географияси ва тарихига оид миллионлаб ҳужжатларни яратди. Бугунги кунгача етиб келган бу ҳужжатлар Туркия архивлари фонdlарида сақланмоқда ва уларнинг сони миллионларни ташкил этади. Бу бой тўплам кенг географияни ўз ичига олган бўлиб, Усмонлилар империяси таркибида бўлган ва бугунги кунда мустақилликка эришган қарийб қирқ давлат, шунингдек, XV-XX асрларда Япониядан Америкага қадар мавжуд бўлган юзлаб мамлакатлар тарихига оид ҳужжатларни ўз ичига олади. Архивда ушбу давлатларнинг XX асрдагча бўлган тарихини ёритиб турувчи ҳужжатлар мавжуд. Шундай қилиб, туркий архив фонdlарида тарихий Туркестон хонликларининг фармонлари, ўзаро муносабатлари, шунингдек, атрофдаги давлатлар ва бевосита ёки билвосита Усмонлилар давлати билан муносабатларига оид минглаб ҳужжатлар мавжудлиги шубҳасиз. Жамғарманинг энг муҳим мақсадларидан бири бу — тарихий бойликларни ўзаро алмashiш ва биргалиқда фойдаланиш учун очиб бериш эвазига туркий дунёning маданий қадриятларини кенг тарғиб қилишdir. Ана шу фундаментал фикрдан келиб чиқиб, ўзбек тадқиқотчиларига туркий архивлар, қоида тариқасида, Туркестон географияси ва хусусан, ҳозирги Ўзбек давлати тарихига оид ноёб материаллардан ўз ишларида фаол фойдаланишга ёрдам берадиган лойиҳа ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа доирасида Туркия архивларидан топилган ҳужжатлардан Бухоро, Кўқон ва Хоразм хонликларига тегишлилари топилди.

Ушбу материалларни қуидаги гурухларга бўлиш мумкин:

- хонликларнинг ички динамикаси доирасидаги кураш;
- ўша даврда мусулмон дунёсининг энг муҳим давлати бўлган ва халифалик маркази ҳисобланган Усмонли давлатини кўллаб-куватлаш орқали ўз қурдатини мустаҳкамлашга уринишлар;

¹ Тошкент тиббий академияси чирчик филиали,, Ижтимоий фанлар ва хорижий тиллар" кафедраси ўқитувчиси



- элчилар орқали юборилган мактублар ва Усмонийлар империясининг юқори мартабали раҳбарлари томонидан жавоб сифатида ёзилган мактублар;
- элчилар орқали сўралган ҳарбий ёрдам ва ушбу ёрдамга жавоб тариқасида тўп қуювчи усталарни (курол усталарини) жўнатиш;
- элчи делегацияларини жойлаштириш, совғалар, маъмурий харажатлар, томошибинлар, мукофотлар;
- Туркистонлик зиёратчиларнинг зиёрат йўллари хавфсизлигини таъминлаш;
- турк зиёратчиларини Макка ва Мадинага жойлаштириш, шунингдек, камбағал зиёратчиларнинг қайтиши учун харажатлар;
- сўралган китобларни Туркистон мадрасаларига жўнатиш;
- Туркистон аҳолисини, айниқса, Усмонийларлар худудида яшовчи ўзбекларни жойлаштириш амалиётлари, жумладан, Усмонли фуқаролигини олганларни олдинги таъсир доирасидан чиқариш;
- Усмонийлар таълим муассасаларида ўқиётган ўзбек талабалари, уларга шароит яратиш ҳақида;
- Усмонийлар империяси худудида яшовчи ўзбеклар томонидан яратилган жамғармалар, бу маблағларни бошқариш, улар амалга оширган тадбирлар;
- Усмонли маъмурияти томонидан ҳурмат қилинган ўзбек уламолари ҳақида маълумотлар. Уламолар ва уларнинг фарзандлари солиқ ва шунга ўхшаш мажбуриятларни тўлашдан озод қилинган.

Бундай ҳужжатлар Усмонлилар архивининг фармон тўпламларидан иборатdir. Туркия Республикаси (1923 йилдан кейин) даврига оид ҳужжатлар сақланадиган Республика архивларида эса 1991 йилдан сўнг, Ўзбекистон Республикаси декоммунизация қилингач икки давлат ўртасида бошланган сиёсий ва дипломатик муносабатларга оид маълумотлар мавжуд. Хусусан, сиёсий-дипломатик муносабатлар доирасида савдо, маданият ва таълим соҳаларидағи ҳамкорлик шартномалари бўйича ҳужжатлар бор.

Турк дунёси маданий меросини айирбошлиш юзасидан ушбу архив ҳужжатлари катта аҳамиятга эга.

Маълумот учун: Туркий тиллар тарихи ва маданияти фонди «TURKTAV» туркий дунё маданий меросини асраб-авайлаш билан шуғулланади, турли мамлакатларнинг маданият ва таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласи. Жамғарманинг мақсади — туркий халқларнинг маданий меросини асраб-авайлаш, бойитиш, маданиятини акс эттириш ва тарихий илдизларини, маънавий алоқаларини очиб беришда ҳамкорлик қилишдан иборат.

REFERENCES

1. Н.Сайидаҳмедов. Янги педагогик технологиялар. Тошкент: Молия, 2003 йил, 8-9бетлар
2. Ў.Қ.Толипов., М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент. “ФАН” 2006 йил, 106, 116-117 бетлар.
3. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ, 1997. –Б.59.
4. Юлдуз Амиржонова. Методика ва технология бир-биридан қандай фарқланади? //Маърифат. 2003йил, 19 март.
5. Н.Сайидаҳмедов. Технологик ёндашув устуворлиги. // Маърифат: 2003 йил, 19 феврал.
6. Я.Гаффоров. Махсус фанларни ўқитишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усувлари. Т. “Ишончли ҳамкор”нашр. 2021 йил, 5-бет.



7. Н.А.Шермухамедова. Илмий-тадқиқот методологияси. –Тошкент: Фан ва технология. 2014.
–Б.403-404-407.

